

Судьялар ижтимоий муҳофазаси

фракция эътиборида

Сайёр йиғилиш

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва тотувликни сақлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш долзарб вазифа бўлиб, бунда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутди. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб моҳиятида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассам. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларидан ўрин олган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида «Суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш — суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам шу хусусда сўз борди. Куйи палата Спикерининг ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Собир Турсунов суд мустақиллиги таъминланганлиги натижасида бугунги кунга келиб ушбу тизим инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган институт сифатида ўзини тобора кенг-роқ намоён этаётганини таъкидлади.

Тизимдаги ислохотлар ҳақида гапирганда, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтариб, тизим ходимларининг масъулиятини, аини пайтда ижтимоий ҳимоясини янада оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур Фармон мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг фойда муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган узоқ муддатли ислохотлар самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади.

Муҳим ўзгаришларга қарамай, суд-ҳуқуқ тизимида ислохот қилиш, бу тармоқни босқич-босқич такомиллаштириш борасида ҳали бажариладиган вазифалар мавжуд. Ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг таҳлили шундан далolat берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини таъминлашдан, уларнинг вазифалари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб, мамлакатни сиёсий, иқтисодий янгилаш, уни модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

2 ➤



Таълим-тарбия уйғунлиги

тараққиётнинг муҳим омили

Нуқтаи назар

Фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, умуман олганда, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бугунги кунда таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетининг қарийб 60 фоиз қисми йўналтириляётгани келажакимиз буюклигини таъминлаш гаровидир.

Дарҳақиқат, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди.

Мактаб таълими мамлакатда яшайётган асосий миллатлар ахтиёрларини инobatга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тил-

ларида олиб борилмоқда. 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимини жорий этилиб, бунда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-хунарларни эгаллашга қувонarliдир, албатта. Хар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат

қиладиган корхоналарнинг ахтиёрларини аниқлаш имконини беради.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Касб-хунар коллежлари замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, улар ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, аини вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини бераётди.

2 ➤



Бухоро:

янгилаш одимлари

Бухоронинг файзу таровати, кўрки ўзгача. Қадимий ва ҳамиша навқирон бу шаҳарни кезар экансиз, беихтиёр ўтмиш билан бугунги куннинг қайноқ нафасини ҳис қиласиз. Унга ярашиб турган бир-бирдан салобатли ва маҳобатли обидалар, мадрасалар, турли зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар бой ўтмишга эга шаҳарнинг кўп асрлик тарихидан сўзласа, мустақиллигимизнинг бебаҳо тўхфасига айланган замонавий иморатлар, фусункор мажмуалар, яшил хиёбонлар ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган халқимиз эришяётган ютуқларни кўз-кўз қилади.

8 ➤

Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёшларнинг энг яхши инновацион лойиҳалари» республика кўрик-танловига

Ўзбекчани тушунадиган робот

Тенгқурларимиз томонидан яратилаётган истиқболли ихтиролар замирида, энг аввало, мамлакатимизда биз ёшлар учун яратиб берилган чексиз имкониятлар, шарт-шароитлар мужассамдир. Юртбошимизнинг Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида биз каби ёшларга қаратган эътиборида ҳам юксак ишонч ётибди. Биз ҳам ўз навбатида билдирилган ишончга нисбатан юртимизда инновация тизимини ривожлантириш ишига муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.



4 ➤

Депутат аралашуви билан Замонавий телекоммуникация воситалари

электорат хизматида

... ҳудуддаги қишлоқларда яшовчи 1500 дан ортиқроқ аҳоли замонавий алоқа воситалари, хусусан, қўл телефонларидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаятган эди. Қишлоқ аҳлининг Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Халқ депутатлари Нурота туман Кенгашига сайланган Шўхрат Вафоевга мурожаатидан кейин депутат ушбу масала билан яқиндан танишиб, туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Натижада ушбу қишлоқлар ҳудудига иккита антенна ўрнатилиб, аҳолининг замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яхшиланди.

3 ➤

Келгуси сонда:

Иқтисодий мустақиллик — матбуотнинг устувор йўналиши

ОАВ — фақат фойда олиш субъекти эмас. У ёки бу ахборот ахтиёрини қондириш билан ОАВ дунёқарашга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, сиёсий нуқтаи назарни, маънавиятни, қадриятларга нисбатан муносабатни шакллантиради.

Партия ҳаёти

Таълим-тарбия уйғунлиги тараққиётнинг муҳим омили



Давоми. Боши 1-бетда

Умуман, мамлакатимизда таълим устуворлиги соҳани ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилган йиллик ҳаражатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети ҳаражатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этишида ҳам яққол кўзга ташланади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ушбу ижобий жараёни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Чунон-

қа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 та муслика ва санъат мактаби, 116 та болалар спорт объектини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратиш тизими шакллантирилганлигини алоҳида қайд этиш керак. 2013 йилда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 ном-



синф ўқувчиларига эса 12 номдаги ўқув анжомлари бепул берилди.

Ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассисларнинг замонавий билим, қобилият ва кўникмаларини тизимли асосда ўзлаштириши тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тақозо этилганлигида таълим тизимидан олиб берилаётган ислохотларнинг бориши, бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Утган йили кўмита томонидан ташкил этилган турли конференция, семинар ва давра суҳбатларида ҳам соҳада ўтказилаётган ислохотларни чуқур таҳлил қилиш билан бир қаторда, бу борада ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, ўтган йили тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги давра

жараёнига замонавий педагогика технологияларини кенг татбиқ этиш учун кўшимча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳам ўз фаолиятида давлатимиз раҳбари бошчилигида таълим тизимидан олиб берилаётган ислохотларнинг бориши, бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш чоралари кўрилади.

Бугун таълим тизимимиз тубдан ўзгариб, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган авлодни вояга етказиш бўйича улкан ютуқларни қўлга киритяпмиз. Соҳага қаратилаётган бундай юксак эътибор, пирвардида, демократик ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш, буюк келажак барпо этишнинг муҳим омилидир.

суҳбатда ҳам айни шу масалаларга ечим изланди. Хусусан, унда баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда самарали жорий этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Бунда таълим-тарбия бериш бўйича вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳамда ҳаракатларини мувофиқлаштириш шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек, бу муҳим ишни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сенаторлар томонидан ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш, унинг соғлигини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг ижро этилишини таъминлаш, болаларни тарбиялашда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, оила институтининг таълим муассасалари билан амалий ҳамкорлиги механизмини кучайтириш, уларнинг қалин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳам бир қатор тавсиялар берилди.

Жорий йилда таълим соҳасига оид бир қатор қонун ҳужжатлари ижросини назорат таҳлил тартибида ўрганиб чиқишни режалаштирганимиз. Хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар, шунингдек, мамлакатимизнинг бу борадаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш чоралари кўрилади.

Бугун таълим тизимимиз тубдан ўзгариб, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган авлодни вояга етказиш бўйича улкан ютуқларни қўлга киритяпмиз. Соҳага қаратилаётган бундай юксак эътибор, пирвардида, демократик ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш, буюк келажак барпо этишнинг муҳим омилидир.

Мамазир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси



Судьялар ижтимоий муҳофазаси фракция эътиборида

Давоми. Боши 1-бетда

Чунончи, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги устувор йўналишларда белгиланган вазифалар ижроси суд органлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси аҳамияти хусусида ўз фикрларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш талаб этади.

Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур давра суҳбатини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, тизимга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, шу жумладан, «Суд тизими фаолиятини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси юзасидан экспертлар, соҳа мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш ва фракция позициясини ишлаб чиқаришдан иборат.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асосида суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, ҳар жиҳатдан одил судлов тизimini таъминлаш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилаётганини эътироф этди. Чунончи, Президентимизнинг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда кўзда тутилган имтиёзлар боис, концепцияда назарда тутилган ислохотлар янада самарали бўлиши шубҳасиз.

Муҳокамаларда сўзга чиққан фракция аъзолари Қодир Жўраев, Ойша Ахунова ва Феруза Оминова «Суд тизими фаолиятини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси аҳамияти хусусида ўз фикрларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш талаб этади. Эътироф этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси судлар мустақиллигини янада ошириш ва суд тизими ходимларининг ижтимоий макомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтиришга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда судларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, судья кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимига тавсия этиш ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган билан ҳам аҳамиятлидир.

— Суд органларининг бошқа барча ҳокимият бўғинларидан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсунниши, одил судловни амалга ошириш ҳамда, умумэътироф этилган принципларга бўйсуннишига қаратилган фаолиятнинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллаштирилиб бораётгани аҳамиятлидир. — деди Қашқадарё вилояти ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси Мансур Нийматов. — Зеро, кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат талаблари таъминланиши муқаррар.

Давра суҳбатиде иштирок этган соҳа мутахассислари амалий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнггида барча фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарҳод ЭСОНОВ, «Adolat» мухбири

«Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имконига эга бўлиши лозим».

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастуридан

чи, жорий йилда 217 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 та академик лицей ҳамда касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 та объектини куриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бош-

даги 600 мингта ўқув қўлланмаси билан бойитилади. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда қўлланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қишқи кийим-кечак, биринчи

Сиёсий етакчининг ибрати

Сиёсий ўқув

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитидаги кескин рақобат, ишлаб чиқаришдаги юксак технологиялар ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар шахсни, айниқса, кўп минг кишилик меҳнат жамоасини бошқариш масъулиятини ўз зиммасига оладиган раҳбарнинг, сиёсий етакчиларнинг амалий ва шахсий сифатларига жуда катта талаблар қўймоқда.

Шу боис Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз сафларида фаолият олиб бораётган раҳбар ходимларнинг ишчанлик ва бошқарувчилик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг иш самарадорлигини янада ошириш, фаолиятини мунтазам мониторинг қилиш, тажрибаларини ўрганиш ва уларга керакли кўрсатмалар бериш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этиб келмоқда.

Шундай ўқувларнинг бири Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати мажлислар залида партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилди. «Сиёсий етакчи имиджи» мавзусида ўтказилган мазкур сиёсий ўқувда партиянинг Тошкент шаҳар туман кенгашлари раислари,

бошланғич партия ташкилотли етакчилари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Ўқувда сиёсий етакчиларнинг раҳбарлик маҳоратини, уларнинг иш услублари, характери ҳамда етакчилик фазилатларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Мана бир неча асрдирки, «Раҳбар қандай бўлиши керак?» деган савол олимۇ фудзалоларни қизиқтириб келмоқда, — дейди социология фанлари номзоди, доцент Шохидда Содикова. — Жумладан, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аллома Абу Наср ал-Фаробий ҳам ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асариде раҳбар ўзида мужассамлаштириш зарур бўлган фазилатлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтган. Улардан бири раҳ-



бар ўз фикрини равшан, чиройли сўзлар билан ифода қилиш ҳамда ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, жуъратли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадисирашларга йўл қўймаслигидир. Шундагина раҳбар ўз кўл остидагиларни эзгу мақсадлар сари эргаштира олиши мумкин. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар ва жамиятини янада модернизациялаш жараёнида ҳар бир етакчидан ушбу хислатларни ўзида намоён этиши талаб қилинади. Айниқса, сиёсий етакчи ўз амалий ишлари билан бошқалар-

га намуна бўлиши билан бир-бир остидагилар билан ҳам-фикр бўлмоғи зарур.

— Ташкил этилаётган сиёсий ўқувлар биз каби партия етакчиларининг малакасини ва раҳбарлик салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Учтала туман кенгаши раиси Фарҳод Эшонқулов. — Ушбу тадбирга қатнашиб сиёсий етакчиликнинг ўзимизга маълум бўлмаган қирраларни кашф этдик. Қолаверса, назарий кўникмаларимизни ошириш билан бир қаторда, келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар юзасидан ўзaro

тажриба алмашдик. Бундай ўқувларнинг мунтазам ташкил этилиши кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий етакчиларга ўзига хос дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий ўқув давомида мавзуга оид кўргазмалар стендлар намоиш этилиб, иштирокчиларнинг сиёсий етакчи эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар ва хусусиятларга оид саволларига мутахассислар томонидан батафсил маълумотлар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати, **Хусан АСРОРОВ** (фото)

Фарғона

Шу кунларда ҳарбий қисмларда жанговор тайёргарликдан ўтган ёшлар ҳарбий қасамёд қабул қилмоқдалар. Ана шундай тадбирлардан бири Фарғонадаги ҳарбий қисмда ўтказилди. Тантанаванда ёш аскарларнинг ота-оналари, яқинлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ватанимизнинг ёш ҳимоячиларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Раҳимхон Қўрғонова, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Наримон Шодиев, Марғилон шаҳар ҳоким ўринбосари Жамилахон Аҳмедовалар самимий қутлашди.

Тадбирда батальон командири Алишер Ширинов Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона

вилояти Кенгашига қисмда ўтказиладиган тадбирлардаги фаол иштироки учун миннатдорчилик билдирди.

Анжуман якунида ҳарбий хизматчилар ва ота-оналар учун Марғилон шаҳар Маданият уйи ходимлари ижросида концерт намоиш этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши матбуот хизмати

«Ижтимоий-фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан сўрова Банкларнинг микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида берилган саволлар деҳқон ва фермер ҳўжаликларида «Агробанк», яқка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар, микрофирма ва кичик корхоналар учун эса «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» филиалларининг бу борадаги хизматларидан фойдаланиш афзал эканини кўрсатди.

Респондентларнинг 96,4 фоизи тижорат банклари ажратаётган микрокредитлар жойларда, хусусан, чекка ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик учун зарур бошланғич сармояни шакллантиришда, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаган. Буни, аввало, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқаришни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишда катта мадад бўлаётгани билан изоҳлаган.

«Гулободмебель»чилар эришаётган ютуқларда

бошланғич партия ташкилотининг ҳиссаси бор

БПТ нималарга қодир!

— Бизга иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур тушуниб етган, сиёсий жиҳатдан етук, мустақил фикрга эга ёшлар ҳар қадамда керак, — дейди «Гулободмебель» корхонаси раҳбари Фарход Раҳматов. — Чунки улардаги ҳушёрлик, янгича ишлашга ва яшашга иштиёқ, камчиликларга нисбатан мурасасизлик корхонамизни чинакам тараққиёт йўлига олиб чиқишига қўмаклашади.



Дарвоқе, икки йил муқаддам «Гулободмебель»да «Адолат» СДПнинг бошланғич партия ташкилоти ташкил этилганида корхона бошқаруви кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзига янги суяниқ топа олганидан хурсанд бўлган эди. Бугун эса БПТ аъзолари ижтимоий ҳамкорликдан жамоатчилик назоратига оид кенг қамровли масалаларни муваффақиятли ҳал этиб, салкам юз кишилик жамоанинг ишонч-эътиборини қазонишмоқда.

Даставвал шуни таъкидлаш ўринлики, «Гулободмебель» импорт ўрнини босувчи сифатли мебель ишлаб чиқараётган, юқори даражада модернизацияланган корхона ҳисоблана-



ди. Унинг мақсулотига Самарқандда ҳам, Бухоро-ю Қашқадарёда, Навоийда, Фарғонада ҳам харидор кўп. Бугун жамоа 200 хилдан ортиқ уй, офис ва ўқув мебелларини ишлаб чиқармоқда. Утган йили буюртмачиларга 2 миллиард 700 миллион сўмлик ана шундай бежирим мақсулотлар етказиб берилган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 400 миллион сўмга товар реалзация қилди.

— Маъмурият билан яқин ҳамкорликда ишлаб иқтисодий кўрсаткичлар салмоғини янада оширишимиз мумкин, — дейди корхона қошидаги БПТ раиси Маъруф Зиёев. — Бунинг учун эса ҳар гал зарур тақлифларни бошқарув муҳо-

камасига олиб чиқаямиз. Уларнинг тақлиф-ташаббуслари билан мамнунлик билан қабул қилаёпти. Масалан, кўйи бугун фаолларнинг тақлифи билан корхонада мебелларни силлиқлаш, уларга ишлов бериш билан боғлиқ инновацион технологик ускуналар ўрнатилгани фикримизнинг далилидир.

Депутат аралашуви билан

Тоғ ҳудудида жойлашганлиги боис Нурота тумани ҳудуди уяли алоқа тармоқлари билан тўлиқ қамраб олинмаган. Жумладан, тумандаги Чашма, Оқтепа ва Ажрим қишлоқларида уяли алоқа воситалари орқали сўзлашув имконияти йўқ. Чунки ҳудудда уяли алоқа операторларининг антенналари ўрнатилмаган. Энг яқин антенна 20 чақирим узоқликдаги Дехибаланд қишлоғида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудуддаги қишлоқларда яшовчи 1500 дан ортиқроқ аҳоли замонавий алоқа воситалари, хусусан, қўл телефонларидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаётган эди.

Замонавий телекоммуникация воситалари

электронат хизматида

Қишлоқ аҳлининг Ўзбекистон «Адолат» СДПдан халқ депутатлари Нурота туман Кенгаши сайланган Шухрат Вафоевга мурожаатидан кейин у ушбу масала билан яқиндан танишиб, туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Натижада ушбу қишлоқлар ҳудудида иккита антенна ўрнатилиб, аҳолининг замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яшилди.

Шунингдек, «Авазсой» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси Чашма қишлоғидаги эски маданият уйи биноси қаровсиз аҳволда эканлигини, таъмирталаб бўлиб қолганлиги, ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғини биноси йўқлиги, келгусида маҳалла фуқаролар йиғини учун жой ҳамда қишлоқда маиший хизмат турларини очиш учун ушбу бинони

маҳаллий ширкат ҳўжалиги балансидан «Авазсой» маҳалласи балансига ўтказишда ёрдам беришни сўраб депутатга мурожаат қилишди. Ушбу масала ҳам «Адолат» вакили аралашуви билан ижобий ҳал этилди. Маданият уйи биноси маҳалла фуқаролар йиғинига берилди ва унинг реконструкция ишлари бошлаб юборилди.

Тумандаги «Нилуфар», «Фирюза», «Мўъжиза» ва «Чевар» номли мактабгача таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатилди, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳомийлар маблағларини жалб этишга қўмаклашиб келинмоқда.

Ўзбекистон Адолат СДП Навоий вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Оммавий спортдан сиёсий фаолликка

«Ёш адолатчилар»

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгашининг «Ёшлар қаноти» томонидан касб-хунаро коллежлари ўқувчилари ҳамда маҳаллалардаги хунароманд ва тadbиркор ёшларга эътибор қаратиб келинмоқда.

Балиқчи туман партия кенгашида ҳам бугунги кунда жисмонан етук ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимизнинг чуқур билим ва тафаккур эгалари бўлиб шаклланишини таъминлаш мақсадида турли тadbирларни амалга оширмоқда.

Яқинда Олимбек қишлоғида ўтказилган «Ёш издошларимиз ва спорт» деб номланган тadbирдан қўзланган мақсад ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва энг асосийси спортнинг оммавийлигини таъминлаш орқали жисмонан бақувват инсонлар бўлиб улғайишига эришиш демакдир. Тadbирда мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари қаратилаётган эътибор, ёшларни оилага тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурий мақсад ва гоёларида келиб чиқиб, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган маърузалар тингланди. Вилоят партия Кенгашининг

«Ёшлар қаноти» томонидан тайёрланган буклетлар иштирокчиларга тарқатилди. «Спорт бизнинг дўстимиз» шиори остида ўтказилган мазкур тadbир доирасидаги спорт мусобақаларида 80 нафардан ортиқ йигит-қизлар иштирок этишди. Миллий спорт уйинлари, айниқса, қизикarli беллашувлар остида ўтди.

— Тadbир сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар моҳиятини тўғри аңлаш ва уларга дахлдорлик ҳиссини уйғотишга хизмат қилди, — деди Балиқчи туманидаги Ижтимоий педагогика коллежи ўқувчиси А.Исамиддинов. — Айниқса, ёшлар сиёсатида оид қонунларнинг мазмун-моҳиятига қаратилган маърузалар бизда катта таассурот қолдириб, сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлади.

Тadbир якунида 10 нафар фаол ёшлар партия сафига қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларида Сурхондарё вилоятидаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

Тadbирда мамлакатимизда аҳоли кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ичк ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бундай тузилмалар мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга кенг жамоатчилик муносабатини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бирига айлангани қайд этилди.

Қишлоқда ҳовли тўйлари

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш ҳаракати бошлангандан буён мамлакатимизда ҳар йили минглаб уйлар бунёд этилмоқда. Хонқа тумани Мадир қишлоғида ҳам 37 та ана шундай ўй яқин кунларда ўз эгаларига топширилади.

— Касбим шифокор бўлгани сабабми, тозалик доимий шиорим, — дейди янги уйлардан бирининг соҳибаси Шоира Бекметова. — Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат! Бугун жамиятимизда биз, аёлларнинг ўз ўрнинизга эга бўлишимиз, фаровон ҳаёт кечиришимиз учун барча ишлар қилинаётди. Бундай гўзал ва шинам уйлар менинг ҳам бир умрлик орзум эди. Янги уйимизни кўриб, қувончдан кўзларимга ёш келди. Айниқса, ошонанинг кенглиги, ювиниши ва қўл чайиш хоналарининг алоҳида-алоҳидалигини айтмай-сизми. Газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув — ҳаммаси муҳайё. Ўрнатилган маиший техниканинг барчаси замонавий.

«Адолат»нинг адолатли аёллари

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари сони йил сайин кўпайиб, мақсулотлар тури ва ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган қатор фармон ва қарорлар, шу асосда яратилаётган имконият ва имтиёзлар муҳим омил бўлаяпти. Мазкур фармон ва қарорларни ҳаётга татбиқ этишда «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши аъзоларининг ҳам муносиб улшулари бор.

Ободлик бошланар аёл қалбидан

Жамиятнинг энг кичик бўғини саналмиш оилага бирмабир кириб бориб, унинг ютуқ ва муаммоларини таҳлил қилиш, керак бўлганда қўмақ беришда ҳам уларнинг ҳиссаси салмоқли. Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеи ошиб, давлат бошқарувининг турли бўғинларида ҳамда жамоатчилик орасида таъсир доираси кенгайиб бораёпти.

Бунларнинг барчаси мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда ортиб бораёпти. Улар жамоат ишларида фаол иштирок этиш билан бирга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ҳам ўз ўрнинларини топишмоқда.

«Нодира чевар» хусусий корхонаси раҳбари, «Адолат» СДП Дўстлик туман кенгаши аъзоси Нодира Мелибоева ҳам ана шундай ташаббускор хотин-қизлар сирасига киради. Мустақил тенгдоши бўлган Нодиранинг изланувчанлиги, тиришқоқлиги боис бугунга келиб корхонада 20 турга яқин трикотаж мақсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Ҳукуматимизнинг хусусий тadbиркорликка, айниқса, ёшлар бизнесини ривожлантиришга қаратаётган эътиборидан руҳланиб, тикувчилик Ҷеимизини 2011 йилда ташкил этган эдик. Корхонамизнинг дастлабки қувватини ишга туширганимизда, кўрпа-тўшак ва уларга жидлар, аёллар кийимлари, махсус кийим-бошлар, турли рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсак, эндиликда болалар кийим-кечақлари билан бир қаторда, эркаклар ички кийимларини ҳам тайёрлаб харидорларга етказиб беришни йўлга қўйганмиз, — дейди Нодира.

— Уйлайманки, биз йўлга қўйган ишлаб чиқариш ёшлари иш билан таъминлашга, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ва ўз навбатида, партияимиз дастурий гоёларининг рўёбга чиқишига хизмат қилади. Хусусан, партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш белги-ланган экан, корхонамиз фаолиятини ҳам шунга яраша ташкил этганмиз.

— Мустақил ҳаётга илк қадамни қўяётган ҳар бир ёшнинг биринчи орзуси ва мақсади касб эгаси бўлишдир. Авваллари бунга 22-24 ёшларда эришилган бўлса, бугунги тенгдошларимиз анча эрта касб-хунароли бўлишга эришди. Шахсан ўзим 19 ёшга тўлмасимдан Дўстлик қишлоқ ҳўжалиги касб-хунаро коллежини битириб, «Нодира чевар» хусусий корхонасида ўз фаолиятини бошладим, — дейди корхона ишчиси Ирода Эргашева. — Яратилиб берилаётган бундай имкониятлардан мен каби кўплаб ёшларимиз баҳраманд бўлишмоқда.

— «Адолат» СДП туман ва вилоят Кенгашлари томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарларда иштирок этиб, ўзимга керакли бўлган йўналишларни танлаб олаётиман, — дея сўбатимизни давом эттирди Нодира Мелибоева. — Бунинг натижасида 2012 йил ноябрь ойида «Агробанк»нинг Дўстлик туман филиалидан 36 миллион сўмлик кредит олиб, 20 донатиқув машинасини олиб келдик.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, Жиззах



Суратларда: партия фаоллари — Маъруф Зиёев, Шерали Эргашев ва Бахтиёр Зиёев; корхона цехидаги яратувчанлик меҳнати.

Фаолият

Қайта тикланувчи энергия — туганмас бойлик

Муқобил энергия

Экологик софлик — бу авваламбор табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдир. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш қувватларини, биринчи навбатда, энергетика соҳасини модернизация қилиш зарур. Афсуски, бугунги кунда кўп миқдорда табиий ёқилғи ишлатилиши атмосфера ҳавоси СО² гази билан ифлосланишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида бутун инсоният глобал исиш, сув тошқинлари, ер ости силкинишлари ва бошқа экологик фалокатлардан азият чекмоқда.

Ядро энергиясини ишлаб чиқариш энергия таъминоти масаласини ҳал этишда муҳим омили ҳисобланиб келинади. Лекин мазкур технологиянинг радиоактив чиқиндилари келтириладиган зарарини ҳам унутмаслик керак. Бунга Японияда юз берган кучли ер ости силкинишлари натижасида АЭСлардаги фалокатларни ҳам кўшимчи. Шу сабабли кўпгина давлатлар айнан қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш масаласида бош қотирмоқда.


Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳозирги кунда дунё бўйича истеъмол қилинаётган барча энергиянинг 13,5 фоизини, электр энергиясининг 18 фоизини ташкил этади. Республикаимиз бу борада катта салоҳиятга эга эканлиги қарамасдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни улуши бир фоизни ҳам ташкил этмайди.

“Ўзбекэнерго” ДАК бўйича умумий қиймати 5272,7 млн. доллар бўлган 44 та инвестицион лойиҳани амалга оширишни кўзда тутган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси санаотини 2011-2015 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорига кўра соҳани устувор ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастурда қайта тикланувчан энергия манбаларини ривожлантириш бўйича умумий қувватини 55,8 МВтга оширишни кўзда тутган 12 та ишлаб турган ГЭСларни модернизация қилиш ва шомол ускуналари яратиш ва эксплуатация қилиш бўйича тажриба орттириш мақсадида Чорбоғ сув омбори ҳудудида 750 кВт қувватли тажрибавий шомол энергетика қурилмасини яра-

тиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, айни даврда Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Лойиҳанинг амалга оширилиши кўшимча равишда 2 млрд. 800 млн. киловатт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятини беради ҳамда бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта камайтиришга ва ҳар йили 400 млн. куб метр газни тежашга эришилади. Бу эса атмосферага зарарли чиқиндилар ташлашни миқдорини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Айни даврда кўпгина ривожланган мамлакатларда, жумладан, Хитой, Германия, Австралия, Австрия, Жанубий Африка, Бельгия, Данияда қайта тикланувчан энергия манбалари тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган. Бу борада республикаимизда ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбалари-



ресурсларни янги муқобил энергия манбалари ҳақида ўйлашга мажбур этди, натижада Европа давлатларида ўрнатилган қуёш фотоэлектрик станцияларнинг умумий қуввати икки бараварга ошди, Яқин Шарқ мамлакатларида фотоэлектрик станцияларни ишлаб чиқиш шунча кўпайган. Бугунги кунда АҚШда қуёш коллекторларнинг умумий майдони 15 млн. метр квадратга, Японияда 12 млн. метр квадратга етди. Исроилда мамлакат умумий иссиқ сув таъминотининг 75 фоизини ташкил этадиган 1 млн.га яқин қуёш қурилмалари ишлаб турибди. Шомол энергетикаси ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Европа Иттифоқи давлатлари бу соҳада пешқадамдир. Шомол энергиясидан фойдаланишнинг йиллик ўсиш даражаси Европада 38-34 фоизни ташкил этмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг

ривожлантириш режаси эълон қилинган. Масалан, Германия 2050 йилгача мамлакат энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасини 50 фоизга етказишни мўлжалламоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат энергия балансида жалб этиш энергетика мустақиллигини узоқ келахаккача сақлаб туришга, иқтисодиётда, қишлоқ ва чекка ҳудудларда энергия таъминотини яхшилашга, зарарли газлар ташланмаларини қисқартиришга, давлатнинг барқарор ривожланишига асос бўлади.

Бутун республика иқтисодиётини таъминлайдиган электр энергия манбаи фақатгина қазиб олинадиган ёқилғига қараб қолиши мамлакатнинг энергия хавфсизлигига раҳна солади ва нефть-газ соҳасига ҳаддан ташқари оғир юк бўлади; бу эса давлатнинг барқарор ривожланиш таъминотида, энергия балансида бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш орқали атропо-муҳитга техноген таъсирларни камайтириш мумкин.

Республикаимизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида очилган “Эко-энергия” илмий-таъбиқий маркази қўмита томонидан тасдиқланган дастур асосида фаолият юритмоқда. Бугунги кунда “Эко-энергия” маркази қайта тикланувчан энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва бошқа манфаатдор корхоналар билан

биргаликда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан “Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари” ассоциацияси ташкил этилди. Айни пайтда, олий ва ўртамахсус билим юртлирида соҳага тегишли мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш, бу соҳада катта ютуқларга эришган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаларини яратиш, соҳадаги қонун ҳужжатларининг амалга ошириш механизmlарини ишлаб чиқиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантирувчи қонунлар қабул қилиш, мамлакатимизда мавжуд бўлган барча турдаги қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шунингдек, қурилиш ташкилотларини янги биноларни лойиҳалаштириш ва қуришда аънавий энергия билан биргаликда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга мажбурловчи маъмурий меъёрлар ва қоидалар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда давлат тузилмалари ва маҳаллий ҳокимликларини жалб қилишимиз керак. Шундангача биз мамлакатимиз энергетика мустақиллигини ҳамда гўзал ва бетакорр табиатимизнинг мусаффолигини таъминлаймиз.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
фракцияси аъзоси

Тадбир

Халқимиз, авваламбор, ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш, таҳдидларнинг олдини олиш давр талабига айланган. Шу боис тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши даимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз даркор. Бу каби турли таҳдидларга қарши узлуксиз равишда маънавий тарбия билан муносиб жавоб бериш мумкин.

Огоҳлик давр талаби

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Миробод туман Кенгашининг ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темирйўл компаниясига қарашли Марказий клиник шифохонаси, “Ўзтемирйўл-маштамир” унитар корхонаси, Болалар шифохонаси ва Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси коллежида ташкил этган “Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз” мавзусидаги тадбирларда ҳам шу хусусда сўз борди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев ўз маърузасида тинчлик ва оқилолигини асрашга ҳисса қўиши масаласига Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам энг муҳим устувор вазифа сифатида қараётганини таъкидлади. Бу борада партиямиз аҳолини жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодиса-

лар билан таништириш, уларга нисбатан фуқароларнинг қатъий позициясини шакллантириш, ёт ғояларга қарши иммунитетни кучайтириш, ёшлар қалбига ваъдасизликнинг қуқур сингдиришга қаратилган тадбирларни кўплаб уюштириши лозим. Фуқароларнинг сўхат-саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида партия томонидан соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатлардан асраш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш, ёшларни спортга янада кенгрок жалб қилишимиз керак.

Қизгин баҳс-мунозаралар тарзда кечган тадбирларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

Оналик ва болалик давлат ҳимоясида

Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоралар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорлари ижроси доирасида жойларда, жумладан, Жиззах вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилояти Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Оналик ва болалик — давлат ҳимояси остида” мавзусида давра суҳбатида мазкур қарорларнинг ижроси билан бир қаторда, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам сўз борди.

Бугунги кунда шифохоналаримизнинг замонавий тиббий ускуналари билан жиҳозланиши ўз самарасини бермоқда, — деди Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси, Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Исомиддин Холмураев. — Мазкур аппаратлардан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш натижасида чала туғруқлар ва асфиксия билан туғилган чақалоқлар ўртасида ўлим кескин камайди.

“Скрининг” марказларнинг давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан таъминлангани ҳам соҳадаги ишларнинг натижасидир.

Жиззах вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилган тадбирда, шунингдек, кейинги йилларда хомилалар аёлларни таркибда ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитамином билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам иштирокчилар етарлича маълумотга эга бўлдилар.

М.ИСМОИЛОВ

Ўзбекчани тушунадиган робот

Давоми. Боши 1-бетда

Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг ташкил этилиши изланувчан ва қобилиятли ёшларга қанот бағишлади, десам муболага бўлмаса керак.

Маълумки, кейинги пайтларда фан-техника кескин ривожланди, кундалик турмушимиз ва турли соҳаларга инсон ақл-заковатининг бебаҳо маҳсули бўлиши юқори технологиялар жадал кириб келди. Қолаверса, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мутлақо янги машинасозлик sanoati қарор топди. Ушбу соҳага бўлган қизиқишимиз туфайли 2010 йилда Бекобод шаҳридаги Саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаб, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига ўқишга кирдим.

Мазкур таълим даргоҳида Италиядаги Турин политехника университетида қабул қилинган таълим дастурлари ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумэтироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад-вазифаларига мувофиқ машинасозлик ва электротехника sanoati, энергетика, sanoat ва ҳўжалик объектларини лойиҳалаш-

тириш ҳамда қурилиш корхона-ташкilotлари учун юқори малакали мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Ўқув юртимизда назарий билимларимизни шу ернинг ўзидаёқ синовдан ўтказиш, эгаллаётган ихтисослигимиз бўйича амалий кўникма ва тажриба орттириш имконияти яратилган. Шу мақсадда университет қошида махсус лабораториялар ва технопарк ташкил этилган. Улар хориздан келтирилган энг янги компьютерлар, лазерли сканер, 3D принтер, сейсмологик синов қурилмаси, двигател конструкциялари ва технологияларини, деталлару иншоотларни лойиҳалаштиришда асқотадиган универсал робот, замонавий токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари, рақамли планшетлар ва бошқа асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган.

Университетимизда 2011 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган “Мехатроника” маркази ташкил этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мехатроника — механика, электроника ва ахборот технологияларини ўзида жамлаган янги соҳа ҳисобланади. Ҳозирда замонавий фаннинг ушбу тармоғи робототехника, автомобилсозлик, авиасозлик, тиббиёт, маиший хизмат кўрса-

қурилмаларидан фойдаланиш тажрибаси улар иқтисодий жиҳатдан ўзларини оқлашни кўрсатмоқда. Бугунги кунда бир қатор давлатларда қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланмоқда.

Мехатроника марказида талаба ва корхона мутахассисларининг малакасини ошириш, sanoat корхоналарига техник хизмат кўрсатиш ва инновацион ғоялар билан ишлаш йўналишлари бўйича иш олиб борилади.

Университетимиз талабаларига мехатрониканинг 9 йўналиши бўйича таълим берилмоқда. Бундан ташқари, йирик sanoat корхоналарининг узлуксиз ишлаб туриши учун зарур бўлган кадрларни тайёрлашда ва уларнинг малакасини ошириб боришда ақиндан ёрдам берилди. Мисол учун яқиндагина “General Motors Power Train Uzbekistan” мотор ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари марказимизда тахсил олишди.

Ўқитишдан ташқари марказда турли хил sanoat корхоналаридаги техник носозликларни чет эл мутахассисларини жалб этмаган ҳолда шу ернинг ўзида ҳал қилиб бериш ҳам йўлга қўйилган.

Мехатроника марказида талаба ва корхона мутахассисларининг малакасини ошириш, sanoat корхоналарига техник хизмат кўрсатиш ва инновацион ғоялар билан ишлаш йўналишлари бўйича иш олиб борилади.

Университетимиз талабаларига мехатрониканинг 9 йўналиши бўйича таълим берилмоқда. Бундан ташқари, йирик sanoat корхоналарининг узлуксиз ишлаб туриши учун зарур бўлган кадрларни тайёрлашда ва уларнинг малакасини ошириб боришда ақиндан ёрдам берилди. Мисол учун яқиндагина “General Motors Power Train Uzbekistan” мотор ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари марказимизда тахсил олишди.

Ўқитишдан ташқари марказда турли хил sanoat корхоналаридаги техник носозликларни чет эл мутахассисларини жалб этмаган ҳолда шу ернинг ўзида ҳал қилиб бериш ҳам йўлга қўйилган.

Мехатроника марказида биз ўқитишдан ташқари марказда турли хил sanoat корхоналаридаги техник носозликларни чет эл мутахассисларини жалб этмаган ҳолда шу ернинг ўзида ҳал қилиб бериш ҳам йўлга қўйилган.

лоийҳалар амалга оширилиб, амалиётда ўз ўринини топиб бормоқда. Худди шундай келажакки порлоқ лойиҳалардан бири бу — менинг муаллимимнинг овоз орқали масофадан бошқариладиган роботдир.

Бу роботга овоз орқали турли топшириқлар бериб, унга ўрнатилган веб-камера ёрдамида компьютер мониторида шу вақтнинг ўзидаёқ кўриб туриш мумкин. Ҳозир дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп, албатта, улар турли товуш ёки буйруқлар орқали бошқарилади. Кўпинча бундай буйруқлар инглиз, немис, япон ва бошқа дунё тилларида айтилади. Бизнинг роботимизга хос ноёб хусусиятлардан бири шундаки, у ўзимизнинг она тилимиз, яъни ўзбек тилида ҳам бошқарилади.

Ушбу роботнинг яна бир афзаллиги шундаки, ундан ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жойларда фойдаланиш мумкин. Масалан, у йиғиш конвейерини заҳирадаги қисмларни йиғиш линиясига олиб кела олади. Шунингдек, у ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ўзига юклатилган бошқа операцияларни ҳам бажара олади. Роботни қўллаш асосида sanoat-да, қурилишда, оғир юк билан



ишлашда, қолаверса, инсон учун хавфли бўлган бошқа оғир ишларда инсон ишини енгиллаштирилади. Келажакда ушбу лойиҳамни янада такомиллаштириш ниятидаман.

Тенгқурларимиз томонидан яратилаётган бу каби истиқболли ихтиролар замирида, энг аввало, мамлакатимизда биз ёшлар учун яратиб берилган чексиз имкониятлар, шарт-шароитлар мужассам-


дир. Чунки буларнинг барчаси ҳозирда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тан олиб борилаётган “Ўзбек модели”нинг маҳсулидир. Биз, ёшлар бундай шариоитлардан оқилона фойдаланиб, жонажон Ўзбекистонимиз номини бутун дунё бўйлаб барча соҳаларда янада юқори чўққиларга кўтаришдек масъул вазифани бўйнимизга олмоғимиз лозим. Бу эса ўз ўрнида биз, ёшлардан янада чуқурроқ билим олишни, эришиб келаётган ютуқларимизда тўхтаб қолмасдан бундан-да юқорироқ чўққиларни забт этишни талаб қилади.

Олимжон ТҲҲИЧЕВ,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети
3-босқич талабаси

ЭНГ МУҲИМИ — НАТИЖА

«Adolat»
аралашувидан сўнг

Фуқаролар мурожаатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат органларининг аҳоли билан алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан бири сифатида қадрли. Жумладан, тахририятимизга жамиятимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан ўзининг мустаҳкам фуқаролик нуқтаи-назарини билдира оладиган ҳамда эришилган ютуқлардан қувониб, айрим зиддиятли масалаларнинг эса ечимига оид талаб-таклифларини баён қила оладиган фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келиб тушаётгани қувонарли. Зеро, фуқароларнинг бефарқлик ва лоқайдчилигига берҳам берилиши, аҳолида юз бераётган жараёнларга нисбатан дохлдорлик ҳиссининг шаклланиши бугунги кун талабидир.



Тошкент шаҳри, Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Ф.Ҳакимжоновнинг бизга мурожаатида байналмилал жангчи сифатида дам олиш ва даволашни мақсадида ҳар йили бир мартаба шахримиздаги «Турон» санаториясига бориб туришини, бироқ сўнгги бор даволанганида санатория биносида санитария-гигиена қоидаларига амал қилинмаганлиги туфайли хоналарда суварак ва чивинларнинг кўп эканлиги, жўмрақлардан иссиқ сув оқмаслигидан норози бўлиб, тегишли тартибда танқидий таҳлилий мақола тайёрлашимизни сўраган.

Биз шикоят-хатни санаториядаги вазият ҳолисона баҳолашни ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармасига йўлладик. Бошқармадан келган жавоб-хатда таъкидланишича, ҳақиқатан ҳам мурожаатда ёзилганидек, фуқаро Ф.Ҳакимжонов «Турон» санаториясида даволанган. Бўлимларнинг санитар ҳолати Мирзо Улуғбек тумани ДСЭНМ

ходимлари томонидан мунтазам равишда назорат қилиниши, айнан ўша вақтларда санатория ҳудудиде режа асосида пашша, чивин, суваракларга қарши дезинфекция ишлари ўтказилиши сабабли хашаротлар қочиш пайтига тўғри келган. Тумандаги «Иссиқкуваттаъминот» ташкилоти томонидан олиб борилган профилактика ишлари туфайли палаталарга иссиқ сув келиши бир неча кунга тўхтатилган.

Шу билан бирга, бошқарманинг расмий жавоб мактубида мурожаатчининг аяқуний ҳулосаси келтирилган хат илова қилинган: «Санаторий бошқарув раиси Қ.Султонов шахсан мен билан учрашиб, шикоятда келтирилган камчиликлар бартараф этилганлиги ва бу ҳолат бошқа тақрорланмаслигини айтиб, узр сўради. Бундан кейин ҳаммаси яхши бўлади, деган умиддаман».

Биз ушбу мурожаат хусусида санатория даволанувчиларига янада қулай ва озода шароит-яратилишини истаган фуқаронинг сай-харақатлари ҳамда шикоятчининг мурожаатини ўрганиб чиққан, камчиликларни тан олиб, уларни бартараф этган санатория маъмурияти фаолияти бошқаларга ибрат бўлар, деган ниятда батафсилроқ тўхталдик.

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи фуқаро Галина Маштакова ҳам тахририятимизга мурожаат этган. У кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида яшайди. Тўртинчи қаватда, яъни 87-хонадонда истиқомат қилувчи кўшини ўз хонадониде қурилиш қонун-қоидасига тегишли бўлмаган тартибда реконструкция ишларини амалга ошириши, бу ҳам етмагандек, пастки қаватга сув ўтказиб юбориши оқибатида Маштакова хонадонининг шифт қисми ҳамда ён деворнинг ўртасида ёриқ пайдо бўлади. Натижада унинг қаватида бирон киши қаттиқроқ қадам ташласа, Маштакованинг хонадониде қандиллар «жонланиб қоларкан». Ачинарлиси, 87-хонадонда истиқомат қилувчи фуқароларнинг тез-тез алмашиши натижасида бугунги кунда уйнинг ҳақиқий эгасини топшиш жуда душвор бўлиб қолган.

Фуқаро томонидан тегишли ташкилотларга жўнатилиган хатларга келган жавоб-хатларда ёзилган ҳулосага асосан, Маштакованинг хонадониде қисман тиклаш ишларини олиб бориш

аҳоли ўртасида йиғилиш ўтказилганида фуқароларнинг биронтаси бунга розилик бермаган ва ушбу ҳолат йиғилиш баённомаларида ўз аксини топган. Юқори қаватдаги хонадонга келсак, унда бирон бир муаммо кузатилмаган бўлиб, ҳеч қандай қурилиш ишларига ҳожат йўқ, — дейди уюшма раҳбари Юля Ципордей.

Тахририят вазиятга аниқлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига алоҳида сўровнома жўнатишни режалаштирган, умид қиламизки, яқин кунларда ушбу масала ўзининг ижобий ечимини топади.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, тахририятимизга 2013 йилнинг дастлабки ойлариде келган 30 дан ортқ мурожаатнинг асосий қисми коммунал хизматдан қониқмаётган, ер-жўма масаласидаги чигалликларга дуч келаётган, тухматга учраб, номи асосиз равишда қораланаётган, суд қарорларидан норози бўлган фуқаролардан ёзилган шикоятлардан иборатдир. Фуқаролар И.Шоимов, М.Жабборов, Т.Артиков, Н.Иргашева, З.Раззоқов, М.Султонова, Ю.Маризаев, Ю.Муродова, Ю.Тажмуратов ва бошқаларнинг мурожаатларига оид расмий сўровномаларимиз тегишли давлат ташкилотларига жўнатилди, бошқа хатларда тилга олинган айрим масалалар юзасидан нашримизнинг «Сўраган эдингиз» руқни остида ҳуқуқий таъсирлар бериб қилинмоқда. Жумладан, газетамизда «Суд ижроси таъминланмас», «Мерос гувоҳномаси қилларга берилди?», «Бепул дорилар қайсилар?», «Ўз номини оқламоқчиман», «Таъминот ундириш мумкинми?» мавзуларида савол-жавоблар ҳамда йўл ҳаракати ҳодисаларида юзага келадиган зиддиятли ҳолатларни қонуний асосда бартараф этишга оид таъсирлар чоп этилди.

Жиззах вилояти, Бахмал туманида истиқомат қилувчи Ю.Муродовага тегишли масала мисолида айтиш мумкинки, айрим мурожаатлар мақола сифатида ёритилмасам ҳам

тегишли равишда сўровномалар жўнатилиши натижасида муаммолар ижобий ҳал этилмоқда. Тумандаги тиббий муассасалардан бирида навбатчи хамшира сифатида фаолият юритган Ю.Муродова 2010 йил оналик бахтига муяссар бўлади ва ўз ишидан Меҳнат кодексининг «Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча қаролат ва имтиёзлар» бобида белгиланган тартибда таътилга чиқади. Бироқ фарзанди иккига тўлиб, ишга қайтиб чиқишни истаганида унга бўлим бошлиғи 6 ой мобайнида «эрта кел, индин кел» қабилида муносабатда бўлади. Охир-оқибат ёш она унинг иш ўрни аллақачон йўқлигини, ўрнига бошқа ходим ишга қабул қилинганини, агар норози бўлса, қаерга мурожаат қилса қилавериши мумкинлигини маълум қилади. Фарзанди ҳам ота, ҳам она вазифасини бажараётган аёл умидсизликка тушиб ўтирмасдан, тахририятга ҳақиқатни тиклашда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган.

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини ошириш масаласини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан илгари сурилган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тахририятимиз муассаса раҳбарияти билан боғланди. Натижада хамшира ўз иш жойига тикландиган бўлди.

Баъзан мурожаатлар фуқаролар учун зарур бўлган мавжуд қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилишида туртки вазифасини ўтайди. Бу эса аҳолининг давлат органларига фаолияти устидан назоратини кучайтиришга хизмат қилиб келади. Бундай хайрли ишларга биз тахририят ходимларининг оз бўлса-да, ҳиссасини қўшилиши фақатгина мумкин бўламиз.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Замонавий уяли алоқа телефонларисиз бугунги ҳаётимизни тасоввур қила олмаймиз. Афсуски, истеъмолчилик соҳасида шу жазми дастурга олоқадор зиддиятли вазиятлар кўпайиб кутатилмоқда.

Муаммо ҳал этилди

Олмалик шаҳар, А.Темур шох кўчаси 29-уй, 35-хонадонда яшовчи А.Гладких Олмалик шаҳар, «Ойдин» ҳудудидеги «Динамо» савдо расталарининг биридан «Nokia 62-33» русумли алоқа телефонини харид қилган. Орандан кун ўтган, унинг экрани талаб даражасида қўрсатмаслиги ва бошқа нуқсонлари борлиги аниқланган. Харидор дўконга мурожаат қилганида, дўкон ходимлари шартнома мuddати ўтиб кетган, қабилида рад жавобини беришган. Шундан сўнг А.Гладких Олмалик шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилган. Арзига асосида воқеа жойига бориб, вазият ўрганилди ва истеъмолчининг розилиги билан унга бошқа русумдаги сифатли уяли алоқа телефони берилиб, нархидеги тафовут пуллари харидорга қайтарилди.

Истеъмолчи А.Шодиев Олмалик шаҳар, «Камалак» ҳудудидеги дўкондан «ArTel» телевизорини харид қилган ва бироз мuddатдан сўнг телевизорда носозлик аниқланган. Дўконга мурожаати инобатга олинмаганидан сўнг у Олмалик шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига арзига билан мурожаат қилган. Жамият аралашуви билан телевизор дўкон ҳисобидан таъмирлаб берилди.

Олмалик шаҳар, Китева кўчаси 1-уй, 24-хонадонда яшовчи Н.Мамутова 2012 йил май ойида Олмалик шаҳридаги «Импульс» номли дўкондан 1 000 000 сўмга газ плитаси харид қилган. Товар учун 3 йилга қаролат мuddати берилиб, 2012 йил октябрь ойида газ плитаси бузилиб қолган ва истеъмолчи дўконга мурожаат қилганида, сотувчилар бугун, эрта, деа вақтни чўзиб келган. Охир-оқибат истеъмолчи Олмалик шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига арзига билан мурожаат қилди. Жамият аралашуви билан газ плитаси таъмирлаб берилди.

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Ф.Ҳакимжоновнинг бизга мурожаатида байналмилал жангчи сифатида дам олиш ва даволашни мақсадида ҳар йили бир мартаба шахримиздаги «Турон» санаториясига бориб туришини, бироқ сўнгги бор даволанганида санатория биносида санитария-гигиена қоидаларига амал қилинмаганлиги туфайли хоналарда суварак ва чивинларнинг кўп эканлиги, жўмрақлардан иссиқ сув оқмаслигидан норози бўлиб, тегишли тартибда танқидий таҳлилий мақола тайёрлашимизни сўраган.

Биз шикоят-хатни санаториядаги вазият ҳолисона баҳолашни ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармасига йўлладик. Бошқармадан келган жавоб-хатда таъкидланишича, ҳақиқатан ҳам мурожаатда ёзилганидек, фуқаро Ф.Ҳакимжонов «Турон» санаториясида даволанган. Бўлимларнинг санитар ҳолати Мирзо Улуғбек тумани ДСЭНМ

Фақат кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»

ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Танлов савдоси эълон қилади

Объектлар номи:
1. «Фарғона вилоят, Қувасой шаҳридаги шифохонасини мукаммал таъмирлаш» (Сметани қайта ҳисоби).
Мuddати — 20.08.2013 йил.
Бошланғич нархи — 1 088 842 799 сўм ҚҚС билан;
907 368 999 сўм ҚҚСсиз.

Таъмирлаш ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100%.

2. ЛОТ 5
ЛОТ 5.1. «Фарғона вилояти Қува тумани Янгиқилшоқ ҚФЙ ўрта маҳалла қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — 128 693 417 сўм ҚҚС билан;
107 244 514 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 5.2. «Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Мингтут ҚФЙ Янгиҳаёт қишлоғидаги 55 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари».
Бошланғич нархи — 251 190 400 сўм ҚҚС билан;
209 325 300 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 5.3. «Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Сойёни қишлоғидаги 10 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари».
Бошланғич нархи — 127 097 640 сўм ҚҚС билан;
105 914 700 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 5.4. «Фарғона вилояти Олтирақ тумани Файрат ҚФЙ Жарқўрғон қишлоғидаги 37 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари».
Бошланғич нархи — 164 639 280 сўм ҚҚС билан;
137 199 400 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 5.5. «Фарғона вилояти Фарғона тумани Лоғон ҚФЙ Лоғон қишлоғидаги 50 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари».
Бошланғич нархи — 163 005 960 сўм ҚҚС билан;
135 838 300 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 5.6. «Фарғона вилояти Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Чекшўра массив Машраб Бобур ММТПдаги 137 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари».
Бошланғич нархи — 358 173 120 сўм ҚҚС билан;
298 477 600 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 5.7. «Фарғона вилояти Фарғона тумани Лоғон ҚФЙ ММТП «Лоғон-Маҳкам-Ҳакимобод» массивидаги 40 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари» (Қудуқ бурғулаш).

Бошланғич нархи — 135 428 520 сўм ҚҚС билан;
112 857 100 сўм ҚҚСсиз.
Мuddати — 20.08.2013 йил
Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
Манзил: Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, тел.(373) 224-24-33, 95/400-52-80
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдориде айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қаролатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш, учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8-373-224-18-71
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда оферталарни очиб кунни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган

Вниманию организаций и предприятий!

ОАО «НАВОИАЗОТ»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

Поставку по объекту: «Поставка труб и листов из нержавеющей стали для обеспечения по комплектации вновь строящихся объектов на территории ОАО «НавоиАЗот»».
Стартовая стоимость заказчика составляет: 370 210 долларх США. Срок окончания работ, установленных заказчиком — 50 календарных дней. Финансирование будет идти за счет собственных средств предприятия.

№	Наименование	Марка стали	ГОСТ	Ед. изм.	Кол-во	Стартовая стоимость в долларах США (за 1тн)	Стартовая стоимость в долларах США всего	
1	Труба Ø 25x2	12x18H10T	9941-81	тн	1,0	6300	6300	
2	Труба Ø 32x2	12x18H10T	9941-81	тн	1,0	6300	6300	
3	Труба Ø 38x2	12x18H10T	9941-81	тн	2,0	6000	12000	
4	Труба Ø 57x3,5	12x18H10T	9941-81	тн	5,0	6100	30500	
5	Труба Ø 76x3,5	12x18H10T	9941-81	тн	1,5	6000	9000	
6	Труба Ø 89x4	12x18H10T	9941-81	тн	4,0	6000	24000	
7	Труба Ø 108x4	12x18H10T	9941-81	тн	4,0	5900	23600	
8	Труба Ø 133x4	12x18H10T	9941-81	тн	2,5	5900	14750	
9	Труба Ø 273x6	12x18H10T	9941-81	тн	2,0	5800	11600	
10	Труба Ø 159x5	12x18H10T	9941-81	тн	7,0	5900	41300	
11	Лист 6-4мм	12x18H10T	5632-72	тн	6,0	5500	33000	
12	Лист 6-5мм	12x18H10T	5632-72	тн	2,0	5500	11000	
13	Лист 6-6мм	12x18H10T	5632-72	тн	2,0	5500	11000	
14	Лист 6-8мм	12x18H10T	5632-72	тн	8,0	5350	42800	
15	Лист 6-10мм	12x18H10T	5632-72	тн	2,0	5170	10340	
16	Лист 6-25мм	12x18H10T	5632-72	тн	4,0	5170	20680	
17	Лист 6-30мм	12x18H10T	5632-72	тн	4,0	5170	20680	
18	Лист 6-40мм	12x18H10T	5632-72	тн	4,0	5170	20680	
19	Лист 6-45мм	12x18H10T	5632-72	тн	4,0	5170	20680	
ИТОГО						66,0	107900	370210

Условия финансирования: — 100% аккредитив
Для раскрытия аккредитива Поставщик предоставляет в банк следующие документы:
— Инвойс (счет-фактура) — оригинал
— ж/д накладная — дубликат
ГДТ с отметкой таможенной службы Республики Узбекистан — факсимильная копия
Расходы банков, связанные с выполнением аккредитива на территории Республики Узбекистан относятся за счет Заказчика, расходы банков вне территории Республики Узбекистан относятся за счет Поставщика.
Условия поставки:
— DAP станция ГАЗК УТИ доставка транспортом поставщика;
— установка специалистами поставщика;
Заказчик ОАО «НавоиАЗот», Расположенный г.Навои — 5
Финансирование проекта будет осуществляться за счет собственных средств.
Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: требуется лицензия по осуществлению данных вид услуг, иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданский правоспособностью и полномочиями на заключение договора.
При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.
Для участия в торгах и приобретении конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия-2а, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98, E-mail: navoi-tender@mail.ru
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия-2а, тел. 22.5.49.96
Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.
Услуги лицензированы

Нигоҳ

Адолат ва инсонпарварлик

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририда ўз ифодасини топган

Концепция: устувор вазифалар

Президентимиз томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.



Жумладан, унда фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш тақлиф этилди.

Концепциянинг ушбу йўналиши ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳасини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди ҳамда кодекснинг дастлабки лойиҳаси кенг жамоатчилик ва мутахассисларнинг танишиши учун Адлия вазирлигининг расмий сайти орқали эълон қилинди.

Кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасида авваламбор жиноят қонунчилигини декриминаллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш

гилаб берилди. Ушбу тақлиф мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиб келинаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган ислохотларнинг мантқий давомидир.

Маълумки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида қасддан энгил тан жароҳати етказганлик учун, агар бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисмида эса соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотишга олиб келмаган қасддан ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган шакли учун эса Жиноят кодекси 109-мод-

даси 2-қисмига асосан жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририда лойиҳасида қонунчилик янада либераллаштирилганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, мазкур жараён, табиийки, тегишли ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Жиноят кодексидан истисно қилиш тақлиф этилаётган 109-модданинг 1-қисми санкциясида жазо сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ назарда тутилган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасида эса мазкур қилмиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Қасддан баданга энгил шикаст етказганликни назарда тутувчи қилмишнинг соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган шакли учун эса Жиноят кодекси 109-мод-

даси 2-қисмига асосан жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририда лойиҳасида қонунчилик янада либераллаштирилганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, мазкур жараён, табиийки, тегишли ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Жиноят кодексидан истисно қилиш тақлиф этилаётган 109-модданинг 1-қисми санкциясида жазо сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ назарда тутилган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасида эса мазкур қилмиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Қасддан баданга энгил шикаст етказганликни назарда тутувчи қилмишнинг соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган шакли учун эса Жиноят кодекси 109-мод-

даси 2-қисмига асосан жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририда лойиҳасида қонунчилик янада либераллаштирилганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, мазкур жараён, табиийки, тегишли ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Жиноят кодексидан истисно қилиш тақлиф этилаётган 109-модданинг 1-қисми санкциясида жазо сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ назарда тутилган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасида эса мазкур қилмиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Қасддан баданга энгил шикаст етказганликни назарда тутувчи қилмишнинг соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган шакли учун эса Жиноят кодекси 109-мод-

Мехриддин ОМАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

Сўраган эдингиз

Чақалоқдан ким хабар олади?

Янгом пойтахтнинг бир туманида рўйхатдан ўтгани ҳолда бошқа туманида ижорада яшайди. Алмашув картасини ўзи рўйхатда турган ҳудуддаги оилавий поликлиникадан олган. Яқинда у кишининг кўзи ёриши кутилмоқда.

Айтинг-чи, янгом туғруқхонадан яна ўзи ижорада турадиган хондонга қайтиб келса, чақалоқ қайси туман шифокорлари назоратида бўлиши керак? Умуман олганда, шифокорлар қанча муддатда ва қай тартибда чақалоқнинг саломатлигидан хабар олиб туришади?

С.Бердиева, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 15 майдаги "Бирламчи-тиббий санитар ёрдам муассасаларида ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда оналар ва болалар ўлимини камайтириш тўғрисида"ги 137-сонли ва "Ўзбекистон Республикасида болаларга амбулатор-поликлиника хизматини ташкил этиш ҳақида"ги 537-сонли буйруқларига асосан ҳомиладор аёл ҳақиқий яшаш жойи ёки паспортида рўйхатга олинган манзили, шунингдек, маҳалла қўмитаси маълумотномаси асосида диспансер кузатувига олинади.

Туғруқдан кейин тўлиқ парваришни таъминлаш 40-45 кун даврда аёлларга ва туғилган чақалоқларга таширф жадвал бўйича режали равишда ёки чақалоқ асосида уйда потра-наж ёрдамида кўрсатилади.

Яшаб турган манзилида (ижорада яшаб турган бўлса ҳам) ушбу ҳудуддаги оилавий поликлиника маҳалла шифокори томонидан туғилган чақалоқ назоратга олинади. Маҳалла шифокори томонидан чақалоқнинг соғлиғидан хабар олиб туриши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

чақалоқ туғруқхонадан чиққандан сўнг уч кун мобайнида уйда шифокор ва ҳамшира томонидан кўрилади ва назоратга олинади;

чақалоқ бир ойлик бўлгунга қадар соғлом туғилган бўлса, ушбу ой давомида 2 марта, агар бирор хасталик билан туғилган бўлса, ҳар ҳафтада 1 марта шифокор томонидан уйда кўрилади. 3 ойга тўлгунга қадар ойда 2 марта, 1 ёшга тўлгунга қадар эса ойда 1 марта поликлиникада шифокор кўригидан ўтказилади.

Саволга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

Оналик ва болаликни муҳофизат қилиш

бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилфуза ҲАСАНОВА

жавоб берди.

Транспорт воситаси

қандай ижарага берилади?

Мен ўзимга тегишли бўлган транспорт воситасини ижарага бермоқчиман. Ижара шартномасини тузиш учун нотариол идорасига қандай ҳужжатларни тақдим қилишим лозим?

Б.Холметов, Хонқа тумани

Мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда нотариус томонидан қуйидагилар:

● мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат, яъни техник паспорт, техник талон (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилди);

● ижарага берилган мулк давлат рўйхатидан ўтказилган мулк бўлса, уни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақида маълумот;

● ижара нарсаи умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиғи;

● ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилган мол-мулкни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси;

● васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулк бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиғи талаб қилинади.

Ижара шартномаларини

нотариал гувоҳлантириш

тартиби

Нотариал идораси томонидан ижара шартномасини гувоҳлантириш қондалорини тушунтириб берсангиз.

И.Жуманиязов,

Ҳазорасп тумани

Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулкни (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилишида, ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда нотариус томонидан қуйидагилар талаб қилинади:

● кўчмас мулкнинг ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилди);

● "Ерегодездакдастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлимининг маълумотномаси, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилди);

● ижарага берилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий рўйхатда турувчи шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтарида кўчирма ҳамда рўйхатга олинган шахсларнинг розилиғи;

● кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиғи;

● васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиғи;

● хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва роқабатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиғи.

Саволларга Хоразм вилояти, Хонқа тумани 1-сон

ДНИ нотариуси Мансур НУРИЕВ жавоб берди.

Малҳамми ёки оғу?

Божхона бекати

Республикамизда фармацевтика фаолияти «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бир қатор қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 14-моддасига кўра, дори воситалари, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ягона тартиби амал қилади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек, республикамизда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг гаирқонуний нусхаларини юртимиз ҳудудига импорт қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида истеъмол товарлари олиб келишни тақимлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги 427-сонли Қарорида кўрсатиб ўтилган импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхатида дори-дармон воситалари ҳам киритилган.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан, дардига дармон излаган юрtdошларимизга мўмай даромад илн-жида малҳам эмас, "оғу" тутаётган сохта "фармацевт"лар ҳам учраб турибди.

Республикамиз божхоначилари томонидан эса сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, "Москва-Самарқанд" йўналишида парвозини якунлаган Ш.Кахаровнинг қўл юклари ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказил-

ганлик божхоначилар қарши-сида ер чизиб қолди.

Шунингдек, вилоят божхоначилари томонидан Янгиқўрғон туманига қараб ҳаракатланаётган "Газ-3129" русумли автотомашина тўхатилиб текширилганда, унда ушбу туманда истикомат қилувчи О.Юлдашевга тегишли бўлган салкам 500 дона "Алоэ" дори воситалари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Муқаддам айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилган ушбу дори воситаларининг қиймати 1,5 млн. сўмдан ортиқ экан.

"Тошкент" халқаро аэропортида ҳам сохта фармацевтлардан бирининг фаолиятига чек қўйилди. Гап шундаки, Истамбулдан қайтган қўқонлик Д.Шадманов 43 минг дона "Atarax" таблеткалари ва 762 дона «Fragiparin» номли дори воситаларини қўл юклари орасига яширган ҳолда олиб ўтишга уринган пайтда фош қилинди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва тран-

Дори-дармон харид қилаётган юрtdошларимиз зиммасида ҳам катта масъулият ётади.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига кўра, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Жумладан, дориларни харид қилиш чоғида харидор қорихона сотувчисидан сотиб олинаётган дори-дармоннинг сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатини талаб этишга ҳақли.

Шунингдек, пост ҳодимлари «Москва-Тошкент» йўналишидаги поезд йўловчиси А.Ганиеванинг ноқонуний олиб киришга уринган салкам 22 млн. сўмлик товар-моддий бойликлари орасида 7 турдаги 1,5 минг дона дори-дармон воситалари ҳам борлигини аниқлашди.

Шу каби ҳолат Тошкент ви-

лоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам фош қилинди. Юртимизга кириб келаётган қўшни давлат фуқароси М.Умартаев 31 та "Фенозепам" таблеткаларини божхона баённомасида ва оғзаки сўрови вақтида қайд этмасдан олиб ўтишга уринган пайтда тўхтаиб қолди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсақ, республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2012 йил давомида ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 200 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган қиймати салкам 1,8 млрд. сўмлик дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, дори-дармон харид қилаётган юрtdошларимиз зиммасида ҳам катта масъулият ётади. Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига кўра, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Жумладан, дориларни харид қилиш чоғида харидор дорихона сотувчисидан сотиб олинаётган дори-дармоннинг сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатини талаб этишга ҳақли. Бу талабингиз қондирилмадими? Демак...

Хусен ТАНГРИЕВ, Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати катта инспектори

Божхона ҳамкорлиги йўлида

Ҳамкорлик

2013 йил 9-10 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг божхона ҳамкорлиги бўйича Ишчи гуруҳининг 20-юбилей мажлиси бўлиб ўтди.



Шундан сўнг ишчи гуруҳ раҳбари, Россия Федерацияси божхона ҳамкорлиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Наталья Воронцова кўрсатилган юксак эҳтиром ва сарфидан унинг миннатдорчилик билдириб, навбатдаги юбилей мажлисининг Тошкент шаҳрида ўтказилаётганлиги ва унинг аъзолари бўйича қабул қилинадиган қарорлар, шубҳасиз, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига урғу берди.

ШХТга аъзо давлатларнинг божхона ҳамкорлиги ўртасида аёлларнинг ишлари юзасидан ахборотлар тингланди. ШХТга аъзо давлатларнинг божхона ҳамкорлиги ўртасида аёлларнинг ишлари юзасидан ахборотлар тингланди.

Таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2007 йилдан буён иштирокчи давлатлар ўртасида ушбу йўналишда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик тобора фаол тус олмоқда.

Шунингдек, мажлис кун тартибидан Жаҳон божхона ташкилотининг Хавфни бошқариш тизими доирасида амалга оширилаётган ҳамкорлик масалалари ҳам ўрин олди.

ДБК Матбуот хизмати

Ишсизлик рекорд даражага етди

Евроҳудуд таркибига кирувчи давлатларда ишсизлар 19 миллион кишидан ошиб кетди. Расмий статистика маълумотларига кўра, ўтиб бораётган йилнинг биринчи чорагида ишсизлик 12 фоизлик рекорд даражага етган.

Ишсизликнинг энг юқори кўрсаткичи Грецияда кузатилган бўлиб, 26,4 фоизни ташкил этган. Бироқ шу ўринда грекларнинг бу статистикаси ўтган йилнинг декабрь ойидаги маълумотларга асосан тақдим қилинганлигини ҳам инобатга олиш лозим.


Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми евроҳудудга кирувчи давлатларда шу йилнинг биринчи чораги якунларига кўра уч ойлик минимумга етган.



Курашларга йўғрилган ҳаёт

«Адолат» шарҳи

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчер вафот этди. Англия маҳаллий телеканалларининг барчасида «Темир аёл» номини олган сиёсатчиға бағишланган кўрсатувлар намойиш қилинмоқда.



Ватанидан келган шумҳабарни эшитиши ҳамонқо мамлакатнинг амалдаги бош вазири Дэвид Кемерон Европа бўйлаб уюштирилган хизмат сафаридан воз кечиб, Лондонга қайтган.

Маргарет Тетчер 87 ёшда эди. Асл исми шарифи (оила курашига қадар) Маргарет Хильда Робертсоннинг бир пайтлар айтган: «Кимнингдир фикрини сўрамоқчи бўлсангиз, эркак сиёсатчидан, сай-ҳаракат керак бўлса, аёл сиёсатчидан сўранг», деган гапи жуда машҳур бўлиб кетган.

Тетчер иқтисод қилиш сиёсатини жорий этади. Мамлакатда ишсизлар сони 2,5 миллион нафарга етади. Оммавий намойишлар одатий ҳолга айланади. Биргина кончиларнинг кўзғолони бир йилга чўзилади.

«Мен курашишни давом эттирмаман, галаба қозонишим учун курашавераман» сингари куйма гаплари иқтибос сифатида тилдан-тилга кўчиб юради.

Жамият тараққий этар экан, инсонларнинг, айни пайтда аёлларнинг дунёқароши, турмуш тарзи ҳам унга мос равишда ўзгара борди.

Маргарет Тетчер мамлакат консерваторларини 15 йил бошқариб келди. Собиқ Иттифок тузумини кескин танқид остига олганлиги сабабли «Красная Звезда» газетаси уни «темир аёл» деб атаган эди.

Тетчер бу лавозимга 3 мартда қайта сайланган, мамлакатни энг кўп, яъни 12 йилга ақин муддат бошқарган. Афсуски, бош вазир қаттиқ меҳнат қилиб, ўз саломатлиги етарлича эътибор қарата олмаган. У шифокорларнинг «ақлий меҳнатдан тийилиш керак», деган тавсиясига қулоқ солмайди, оқибатда бир неча бор инсульт хасталигига дучор бўлади.

Унинг «Уй — аёлларнинг марказидаги маскан, бироқ асло чегараси эмас», «Пул осмондан учиб тушмайди, уни пастда, ердан ишлаб топишди», «Мен ҳолдан тойганга қадар бу ерда қоламан. Британияга ҳали керагим бор экан, мен ҳолдан тоймайман»,


латарида аёлларнинг иштирокини кенгайтиришга муҳим эътибор бериб келинмоқда. Саноат, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида, бошқа соҳаларда аёллар бандлиги ортиб бормоқда.

жатар қабул қилинганлиги, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият кураши соҳасидаги, сайлов ва бошқарув органларидаги иштироки, шунингдек, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланишига хизмат қилмоқда.

Гўшт ёки соғлиқ

Стейк, қийма ва бекон каби гўшт маҳсулотларини кўп миқдорда истеъмол қилиш юракка зиён. Американинг Кливленд университети олимлари яна бир бор шундай хулосага келишди.

Бу эса ўз навбатида бир неча реакцияларни бошлаб беради ва натижада танада холестерин миқдори кўпайиб кетиб, юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаради.



Британия ҳукумати фуқароларга бир кунда кўпи билан 70 грамм миқдорда қизил ва қайта ишланган гўшт истеъмол қилишларини тавсия этмоқда.

бўлиб, жигарда оксидланади ва триметилламин-N-оксидига айланади. Тадқиқотчилар қон томирлари деворларида ҳосил бўладиган ва ўз навбатида юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқарадиган ёғ қатламлари билан триметилламин-N-оксиди ўртасидаги ўзаро аққол боглиқлиқни аниқладилар.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, сичқонлар ва одамларнинг ичак микрофлораси карнитининг ўзида ушлаб қолади. Оқибатда ичакларда ортиқча газ ҳосил

Доктор Хейзеннинг таъкидлашича, триметилламин-N-оксиди кўпчилик олимлар томонидан тан олинмай келинаётган эди. «Иккиламчи маҳсулот сифатида қаралаётган бу модда танадаги модда алмашинувиға катта таъсир кўрсатиб, натижада холестерин қатламларини ҳосил қилиши шубҳасиз», дейди тадқиқотчи.

Суд тежамкорликка қарши

Португалия бош вазири Педру Пасуш Конституциявий суд қароридан ташвишга тушмоқда. Португалия Конституциявий суди бюджет қарорининг баъзи бир бандлари мамлакат бош қомусига зид эканини тасдиқлади.

Ушбу қарордан келиб чиқиб, Португалия ҳукумати энди 1,5 миллиард еврони тежаш учун бошқа чораларни қўллашга мажбур бўлмоқда.

Мамлакат бош вазири Педру Пасуш суд қарорини муҳокама қилиб ўтирмадан, келаётган шанба кунига навбатдан ташқари вазирлар маҳкамаси йиғилишини чақирди.

Суд давлат хизматчилари ва пенсионерларга ёғи таътиллари учун ажратиладиган бонусларнинг бекор қилинишини, шунингдек ишсизлик ва касал-

лик нафақаларининг камайитрилишини «ноқонуний» деб баҳолади.

Сўнгги саҳифа

Бухоро: янги ланиш одимлари



Давоми. Боши 1-бетда



Дунё нигоҳидаги шаҳар истиқлол йилларида янада ўзгариб, янгилади, яшарди. Мамлакатимиз истиқболи йўлида қилинаётган кенг қўламли ислохотлар бухороликларнинг янги имкониятларини юзага чикарди. Бу ерда қатор соҳалар жадал ривожланиб, инсон манфаати, бахту саодатига хизмат қила бошлади.

— Ҳар гал «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументини, унинг атрофидаги кўркам боғни айланиб, юртимиз қудратини ҳис этаман, — дейди гиждувонлик ҳамкасбимиз Олим Остонов. — Биз шу элнинг фарзандимиз. Унинг эришаётган ютуқларидан қувонамиз. Дунёда ҳеч бир давлат Ўзбекистончалик юрт ободлигига эътибор бераётгани йўқ. Яқин ўтмишни ёдга олайлик: тор йўллар, ўз холича, режасиз қурилган паст-баланд уйлар аҳоли турмуш даражасининг қай аҳволдалигини кўрсатиб турарди. Томидан чакки ўтиб ётган кўрimsиз мактаблар, қишлоқдан узоқда жойлашган эски усулдаги шифоналар келтириб чиқарган ноқулайликлар худди тушга ўхшайди.

Бугун остона ҳатлаб кўчага чиқсанг, енгил автомашиналар тўхтовсиз қатнаб ётибди. Уларда манзилнинг қандай етиб олганини билмай қолсан. Атрофга боқсанг, рўпарангданги мухташам мактаб, лицей ва коллежларга кўзинг тушади. Уларда илм сирларини ўрганиб, ҳаёт сабогини олиб қайтаётган бир-бирдан бахтиёр ўғил-қизларга ҳавас билан қарайсан. Эртанги кунга мустақкам ишонч билан бо-

раётган бу ёшлар етти ухлаб тушимизга ҳам қирмаган гўзал таълим муассасаларида таҳсил олишмоқда. Жойларнинг ўзида иш олиб бораётган, бир-бирдан қолишмайдиган барча шароит ва қулайликларга эга қишлоқ врачлик пунктлари эл саломатлигини сақлашда муҳим омилига айланмоқда. Кўзни яшатиб турган намунали уй-жойларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани уларга бўлган талабнинг тобора ортаётганидан далolat берапти. Уларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз шундай кунларга етганига, шундай шароитларга эга бўлганига чексиз шукроналар айтишмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз йил сайин бетақорор қиёфа касб этиб борапти.

Ҳозирги кунда худудда «Бухоро вилоятининг 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастури»га асосан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ умумий қиймати 1466,5 миллион долларга тенг бўлган 1236 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар яқин истиқболда бутун вилоят бўйича яна ўн мингдан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилишига қулай имконият ва шарт-шароит яратилмоқда. Бу рақамларни чуқур таҳлил этиб, янада оидинлаштирадиган бўлсак, мазкур дастурга асосан биргина санoат махсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминловчи йўналишнинг ўзида қиймати 1403,3 миллион долларга тенг 305 та лойиҳа ишга туширилади. Бунинг эва-

зига тармоқда 5947 та янги иш ўрни яратилади. Қиймати 24,0 миллион долларга тенг бўлган 474 та янги лойиҳани амалга ошириш ҳисобига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яна 1769 та ишчи ўрни барпо этилади. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишларнинг ҳам қўламини янада ортади. Тармоқда соҳа ривожини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим лойиҳалар устида дадил иш олиб борилмоқда. Умумий қиймати 39,2 миллион долларга тенг 457 та лойиҳа амалга оширилиб, 2288 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шундан 84 таси йилнинг дастлабки чорагига мўлжалланган лойиҳалардир. Улардан 15 таси санoат, 23 таси қишлоқ ҳўжалиги, 46 таси эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида амалга оширилди. Дастур доирасида вилоятда жами 375 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, Олот туманидаги «Савдоҳарид» МЧЖга Хитой давлатидан «Бакстар» технологияси келтирилиб, унинг негизда нон ва нон махсулотлари тайёрлана бошлади. Янги лойиҳанинг амалга оширилиши эвазига бу ерда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Қўшимча бешта иш ўрни ташкил этилди. Бухоро шаҳридаги «Субхизари Бухоро» МЧЖ негизида иш бошлаган яна бир линия пайпоқ ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтирди. Янгилик шарофати билан бу ерда қўшимча 12 та янги иш ўрни яратилди.



Жаҳон иқтисодиётида ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамадан Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ривожланиш суръатлари тўла-тўқис таъминланмоқда. Бухорода олиб борилётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳам бундан яққол далolat бериб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилнинг 21 ноябридаги қарорига асосан 2013 йилнинг инвестиция дастурига Бухоро вилояти бўйича жами 98 та объект киритилган. Дастурга мувофиқ бу иншоотларда эндиликда катта ҳажмда капитал таъмирлаш, қурилиш, қайта реконструкциядан чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Умумий қиймати 58615,75 миллион сўми ташкил этган ушбу объектлар учун 14243,72 миллион сўм (30 фоиз) миқдорда бўнак маблағлари молиялаштирилган. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра мазкур иншоотларда белгиланган жадвалга асосан 10973,66 миллион сўмлик ўрнига 13945,38 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Инвестиция дастури вилоят аҳоли учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Унга мувофиқ ижтимоий соҳаларда қатор янгиликлар амалга оширилиши кутилмоқда. Жумладан, дастур доирасида Бухорода 5 та болалар спорт маскани, 1 та сузиш ҳавзаси ва 3 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ишга тушириладиган бу объектларда белгиланган тартибда тендер савдолари ўтказилди.



Жами 9 та иншоотнинг умумий қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари асосан 10078,9 миллион сўм миқдорда белгиланди. Ҳозиргача бу қурилиш майдонлари учун молиялаштирилган 30 фоиз, яъни 2679,2 миллион сўм миқдордаги маблағнинг 1666,0 миллион сўми тўла ўзлаштирилди. Ёш авлод камолотига бўлган эътибор нафақат болалар спортини, балки таълим соҳасига кўрсатилаётган ғамҳўрликларда ҳам намо-

ҳани ривожлантириш, саломатлик дастурлари асосида қилинаётган ишларни кучайтириш тиббиёт ходимларининг олдидаги муҳим вазифаларнинг бирига айланмоқда. Инвестиция дастурига асосан бу йил Бухорода олти та соғлиқни сақлаш иншооти таъмирдан чикарилади. Бу ишлар учун 14699,3 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Бугунги кунгача мазкур объектлар бўйича тендер савдолари ўтказилди. Улардаги бунёдкорлик ишларини олиб бориш учун 3322,1 миллион сўм (30 фоиз) миқдорда бўнак маблағлари молиялаштирилди. Объектларнинг барчасида иш қатъий жадвал асосида ташкил этилиб, сифат ва самардорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг белгиланган муддатда ишга туширилишини таъминлаш учун барча амалий чоралар қўрилмоқда. Қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилаётган тиббиёт масканларида ҳозиргача 2463,9 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришга эришилди. Фарзандлар қамоли — юрт жамоли, деб бежиз айтилма-

мунча яхшиланади. «Обод турмуш йили»да қишлоқларга кўрк бағишлаб турган намунали уй-жойлар қурилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Йил дастурига асосан 33 та массивда 730 та ана шундай янги уйлари бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун зарур бўлган барча ишлар ниҳоясига етказилиб, қурилиш ишларини жадал суръатларда йўлга қўйиш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Уларнинг кўпчилигига тегишли бўлган ҳўжжатлар тўплами республика «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва «Осиё Тараққиёт банки»га тақдим этилди. Янги лойиҳалар асосида тикланадиган бу уйлари 420 тасида ер, 250 тасида пойдевор ишлари тўлиқ тугалланган. Янги иншоотларнинг ташқи муҳандислик компаниялари билан тўлиқ таъминланиши кўзда тутилмоқда. Дастурда белгиланганидек, бу массивларга 39,4 километр табиий газ тармоқлари тортилади. 45,8 километр электр тармоқлари келтирилади. 39,3 километрда ичимлик суви тармоқлари ишга туширилади. Шу билан бирга ушбу уй-жойларни боғловчи 38,9 километр узунликдаги ички йўллар барпо этилади. Айни кунларда янги тураргоҳларнинг инфратузилмаси устида ҳам иш олиб борилмоқда. Уларда 5 та савдо мажмуаси ҳамда 1 та гузарни ишга тушириш мўлжалланяпти.

Бухоро — озов ва обод юртимизнинг кўркам гўшаларидан бирига айланиб бормоқда. Фидойи ва яратувчан эл шижоати билан бу ерда қатор соҳалар ривож топмоқда.

— Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбирдорликнинг роли ортиб бормоқда, — дейди Бухоро шаҳридаги «Совға» оилавий корхонаси раҳбари Бахшўлло Жумаев. — Бу соҳа оилавий турмуш манбаи, фаровон турмуш қафолатига айланяпти. Зардўзлик маркази сифатида ташкил этган оилавий устaxonамизни йиллар давомида шакллантириб, халқ амалии санъатининг қатор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Қизим дизайнер, ўғилларим расом ва заргар, рафиқам эса моҳир зардўзга айланди. Юзлаб шоғирдлар етиштирдик. Махсулотларимизни дунёнинг йигирмадан зиёд давлатида намойиш қилдик. «Ташаббус» республика кўрик-танловига «Энг яхши хунарманд» номинациясини қўлга киритиб, Президент совғасини олдим.

Вилоятда рўй бераётган ҳар бир ўзгариш ва бунёдкорлик ишлари бухороликлар ҳаётига янги мазмун ва ўзгача руҳ бағишлямоқда.


Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» муҳбири



Журналнинг янги сони

«Нуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журналининг 2013 йил 3-сонини нашрдан чиқди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоевнинг «Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш — устувор мақсад», Олий суд ҳузуриндаги тадиқот маркази директори Руслан Давлетовнинг «Янги талаб, янги тамойиллар», Жиззах вилояти ҳўжалик суди раиси Комил Синдаровнинг «Судьялик масъулияти» каби мақолаларида тизим фаолиятининг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва моҳияти очиб берилган.



коласида эса фуқаролик жамияти институтлари фаолиятидаги янгиликлар хусусида сўз боради. Глобаллашув жараёни давлатлар ҳамда халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш билан бирга

мафқуравий таъсир ўтказишнинг ўткир куралига айлиб, турли сиёсий кучлар манфаатига ҳам хизмат қилмоқда. Айниқса, «оммавий маданият» ниқоби остида зўравонлик, конформизм, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларига беписандлик билан қараш, уларни кўпоришга уринишлар, таҳдидлар қўламини тобора кенгайиб бораётгани кишини ташвишга солмай қўймайди. Журналнинг ушбу сонида чоп этилган «Ет ма-

даният» маънавий таназзулга етаклайди» сарлавҳали давра суҳбатига инсоннинг ўзлиги, маънавий олами эмирувчи, миллий қадриятларимизга зид бўлган бундай йиллатларга қарши курашишда олдимизда турган вазифалар, ёшларда юксак фазилатларни шакллантириш учун эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар мутахассис ва мутасаддиларнинг фикри асосида атрофлича таҳлил этилган.

Олия Тўхтаева

«Adolat» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси таҳририят ходими Абдуқайюм Йўлдошевга волидаи муҳтарамаси **МАЪРИФАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмонид САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОҒИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Икбол МИРЗО, Мамасалер ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Раҳман ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙИНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавий ва маданий бўлими 288-46-64 (151); Кабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибиёт — 288-46-64 (144).

Набатчи муҳаррир — АЙЎЛДОШЕВ. Набатчи — И.САХАТОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган **НАШР КўРСАТКИЧИ: 100**

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилансар тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй. adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхотга олинган.

ISSN 2071-5217

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 400. Ҳўжми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 13444. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 01.00

1 2 3 5